

РЫЖИК УРУҒЛАРИНИНГ ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТИДА УНУВЧАНЛИГИ

Ш. Джумаев,

к/х.ф.ф.д., к.и.х таянч докторант

Ш.Чариев

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти

Аннотация:

Мақолада рыжик экиннинг унувчанлиги лаборатория шароитида ўрганилганлиги. Бунда Ўзбекистоннинг жанубида рыжик ҳосили етиштирилган йилнинг ўзида унувчанлиги юқори бўлиши аниқланди. Буни Қашқадарё вилоятининг Ғузур тумани тупроқ-иқлим шароити, баҳор мавсумидаги юқори ҳарорат, нисбий намлик ва бошқа шароитлар таъсирида уруғларнинг физиологик етилиши даври қисқариши билан изоҳлаш мумкин.

Калит сўзлар: Рыжик, уруғ, намлик, ҳарорат, унувчанлик, лаборатория, ўсимлик.

Аннотация:

В статье изучена всхожесть рыжика в лабораторных условиях. При этом установлено, что в год выращивания культуры рыжик на юге Узбекистана всхожесть была высокой, что можно объяснить укорочением физиологического периода семян под влиянием почвы и климатические условия Гузурского района Кашкадарьинской области, высокая температура в весенний период, относительная влажность и другие условия.

Ключевые слова: Рыжик, семена, влажность, температура, плодородие, лаборатория, растение.

Abstract:

In the article, the germination of camelina was studied in laboratory conditions. This can be explained by the fact that the period of physiological germination of seeds is reduced due to the influence of high temperature, relative humidity and other conditions in the Guzur district of Kashkadarya region.

Keywords: Camelina, seeds, moisture, temperature, fertility, laboratory, plant.

Мавзунинг долзарблиги

Республикамизда пахта экин майдонларининг қисқариши ўсимлик мойи ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Аҳоли жон бошига ўсимлик мойи ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан-йилга камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Шундай экан, аҳолининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун ёғ берувчи

экинлар турини етиштириш миқдорини ошириш ҳамда етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Жахонда рыжик экинини экиш муддати, меъёри ва озиклантириш меъёрларининг уруғ ҳосилдорлигига ва таркибидаги мойлилик даражасига таъсири ҳамда етиштириш технологияларини ўрганиш бўйича Россияда С.Л.Горлов, В.С.Трубина, О.А.Сердюк, Т.Я.Прахова, Я.Б.Абдулина, О.Н.Зеленина, Д.К.Ряхова ва бошқа олимлар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар ўтказилган ҳамда самарали илмий натижаларга эришилган. Республикамиз миқёсида рыжик етиштириш агротехнологиялари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Тадқиқот мақсади. Республиканинг суғориладиган минтақалари шароитида ноанъанавий рыжик экинини етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

Рыжик-жуда совуққа чидамли ўсимлик. Унинг уруғлари 1-20 0С ҳароратда униб чиқа бошлайди. Бирок, яхши униб чиқиши ва унинг ўсиши 10–120 0С ҳароратда кучлироқ бўлади [1;158-б].

Тадқиқот натижалари. Дала тажрибаларида Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг лабораторияларида, лаборатория унувчанлиги ўрганилди.

С.Л.Горлов, В.С.Трубина ва О.А.Сердюкларнинг тадқиқотларида рыжикнинг кузги нави совуққа чидамлилиги билан ажралиб туради (уруғлари +1 °С да ўсади, кўчатлари-10 °С гача совуққа бардош беради), қишга чидамлилиги жиҳатидан қишки жавдардан кам эмас. Баргининг кузда оптимал даражада ривожланиши ва бундан ташқари, курғоқчиликга чидамлилиги билан ҳам ажралиб туради. Рыжикнинг қисқа вегетация даври (225-230 кун). Ҳосилни ҳосил қилиш учун баҳорги намлик захирасидан унумли фойдаланиш ва уни йиғиб олгач, тупроқни кузги дон экинларига сифатли тайёрлашга имкон беради. [2; 55-б.]. Тадқиқотларимиз давомида рыжик навларининг лаборатория унувчанлигини аниқлаш учун петри чашкасида ҳар бир нав уруғидан 100 донадан белгиланган тартиб асосида Термостатда 22 °С да 4 қайтариқда ундириб кўрилганда, ўртача 100% униб чиқиши, унувчанлиги 100% бўлиши аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал Рыжик навлари уруғларининг лаборатория шароитида унувчанли, %. Қарши 2022 йил

Т/р	Нав номи	Қайтариқлар	Ундиришга кўйилган уруғлар сони, дона	Униб чиқиши, дона	Унувчанлик 100%
1	Пензяк	1	100	99	100
2		2	100	100	
3		3	100	100	
4		4	100	99	
5	Карат	1	100	100	99
6		2	100	99	
7		3	100	100	
8		4	100	98	

Х.Н.Атабаева, З.К.Юлдашевлар маълумотларида рыжикнинг янги олинган уруғини экиш тавсия қилинмайди, дея таъкидланган. Чунки уруғининг униб чиқиши паст бўлади, шунинг учун 1 йил сақланган уруғлар экилганда унувчанлиги юқори бўлиши таъкидланган. [3; 108-111-б.].

Лекин бизнинг тадқиқотларимизда ҳосил йиғиб олинган (2022) йилнинг ўзида лаборатория унувчанлиги ўрганилганда 100% унувчанлик бериши аниқланди.

Хулоса. Ўзбекистоннинг жанубида рыжик ҳосили етиштирилган йилнинг ўзида унувчанлиги юқори бўлиши аниқланди.. Буни Қашқадарё вилоятининг Ғузор тумани тупроқ-иқлим шароити, баҳор мавсумидаги юқори ҳарорат, нисбий намлик ва бошқа шароитлар таъсирида уруғларнинг физиологик етилиши даври қисқариши билан изоҳлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бортников С.Л. Формирование урожая семян рыжика при различных технологических приемах возделывания в лесостепной зоне Кузнецкой котловины: дис. .канд. с.-х. наук / 06.01.09. — Кемерово, 2006. — 158 с.
2. С.Л.Горлов, В.С.Трубина ва О.А.Сердюк сорт рыжика озимого Карат //Масличные культуры. Всероссийского научно-исследовательского института масличных культур. -2015.- Вып. 2 (162).-С. 125-126.
3. Х.Н.Атабаева, З.К.Юлдашева. Мойли экинлар биологиясининг илмий асослари. Тошкент. 2019. 108-111 б.